

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЭШҚОБИЛОВА МАВЖУДА ЭРГАШБОЕВНА
МЕТАННИНГ МОНИТОРИНГИ УЧУН КИМЁВИЙ СЕНСОРЛАР
ЯРАТИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшқобилова Мавжуда Эргашбоевна

Метаннинг мониторинги учун кимёвий сенсорлар
яратиш..... 3

Эшқобилова Мавжуда Эргашбоевна

Разработка химических сенсоров для мониторинга метана..... 22

Eshkobilova Mavjuda Ergashevna.

Development of chemical sensors for methane monitoring..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШҚОБИЛОВА МАВЖУДА ЭРГАШБОЕВНА

**МЕТАННИНГ МОНИТОРИНГИ УЧУН КИМЁВИЙ СЕНСОРЛАР
ЯРАТИШ**

02.00.02 – Аналитик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2019.PhD К-186 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Самарқанд Давлат университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.samdu.uz манзилига ҳамда “ZIYONET” ахборот-таълим порталида WWW.ZIYONET.UZ манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насимов Абдулло Муродович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яхшиева Зухра Зиятовна
кимё фанлари доктори, доцент

Раҳматов Худоёр Бобониёзович
кимё фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.02.2018.К.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2019 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15 уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305-хона Тел.: (+99866)239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15- уй. Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Р.Нормахматов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
т.ф.д., профессор

Х.Т.Тробов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., доцент

С.Д.Аранбаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси ўринбосари,
к.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда турар жой ва ишлаб чиқариш корхоналари биноларида кузатиладиган энг хавфли бахтсиз ҳодисалардан бири метаннинг портлашидир. Одатда метаннинг энг паст портовчан концентрацияси (ППК) 5% ни, энг юқори портловчан концентрацияси (ЮПК) 16% ни ташкил этади. Шу мақсадда ишлаб чиқариш ва турар жой биноларини портлаш ва ёнғин хавфсизлигини таъминловчи кимёвий сенсорлар ва сигнализаторлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда табиий газнинг сизиб чиқиши ва тўпланишини ишончли ва тезкор назоратини таъминловчи арзон кимёвий сенсорлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саноати ривожланган мамлакатларда газ сенсорларини ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, термокаталитик ва яримўтказгичли сенсорлардан фойдаланиш портлаш хавфининг олдини олишда энг ишончли ҳисобланади. Транспорт, энергетика, нефть ва газ саноати сингари соҳаларини ривожланиши билан глобал миқёсда саноат ва турар-жой объектларининг портлаш хавфсизлигини таъминлашга бўлган талаблар тобора кучайиб бормоқда. Шу сабабли ёпиқ экологик тизимларнинг атмосфера ҳавоси таркибини ишончли назорат қилувчи тезкор, сезгир ва селектив сенсорларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотларни бажариш муҳим назарий ва амалий аҳамият эгадир.

Республикамизда газ қазиб олиш ва унинг истеъмол қилиш ҳажмининг ошиши билан саноат ва турар-жой объектларининг атмосфера ҳавосига метаннинг сизиб чиқиши ва тўпланишини аниқловчи экспресс усуллар, ишончли сенсорлар ва сигнализаторларни ишлаб чиқиш бўйича муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматли маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, ишлаб чиқариш корхоналари, транспорт ва турар-жой объектларининг, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3983-сон ва 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.

3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқотлар Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида заҳарли, енгил алангаланувчан ва портловчан газларнинг мониторинги учун усуллар ва сенсорлар ишлаб чиқишга қаратилган тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор ёпиқ экологик тизимлардаги газ аралашмаларининг портлаш хавфини ишончли назорат қилишни таъминлайдиган экспресс ва сезгир сенсорларни яратишга қаратилган. Хусусан, хорижий тадқиқотчилар Sheikh A., Prabir K., Persaud K., Dodd G., Routkevitch D., Mardilovich P., Govyadinov A., Chang J.F., Stamataki M., Calestani D., Zha M., Mosca R., Corcoran P., Shurmer H.V., Gardner J.W. ва бошқаларнинг тадқиқотларида газлар аралашмасининг таркибини назорат қилиш учун методлар ва сенсорларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

МДХ мамлакатларининг олимларидан Щербань А.Н, Фурман Н.И., Карпов Е.Ф, Голинко В.И, Рязанов А.В., Молодечкин М.В., Сисоев В.В, Лашков А.В. ва Доброхотов В.В лар томонидан атроф-муҳит объектларининг назорати учун методлар ва сенсорларни яратиш, шу жумладан, ёнувчан газлар ва буғларнинг термокаталитик сенсорларини яратиш бўйича фундаменталь тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон олимлари, шу жумладан Т.К. Хамракулов, Н.С. Закиров, Р.Х. Джиянбаева, А.М. Геворгян, А.М. Насимов, З.А.Сманова ва бошқалар экологик объектларни мониторинг қилиш усуллари ва сенсорларини ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Янги технологияларни жорий этиш ва аналитик назоратни ривожлантириш билан биргаликда моддаларни аниқлаш услубларининг сезувчанлиги ва селективлигига нисбатан қўйилаётган талаблар ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда метанни газ аралашмалари таркибидан аниқлашнинг янги, илғор ва замонавий термокаталитик ва яримўтказгичли усуллари ва сенсорларини ишлаб чиқиш саноат корхоналари, транспорт ва турар жой коммунал хўжалиги объектларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг ИДТ-12-07 «Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газ сезгир органик наноматериаллар синтезининг физик-кимёвий асослари ва технологиясини яратиш» мавзусидаги амалий (2012-2014 й:) ва ОТ-Ф7-84 «Кимёвий сенсорларнинг янги авлоди учун газ сезгир материаллар синтези назарий

асосларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаменталь (2016-2020 й.) лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метан газини сезгир ва селектив кимёвий сенсорларини ишлаб чиқиш ва улар асосида табиий газни юқори самарали сигнализаторлари ва газ анализаторларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: ёнувчан моддаларнинг оксидланиш қонунларини ва метаннинг селектив терموкаталитик sensori учун катализатор таркибини аниқлаш;

ёпиқ экологик тизимлар атмосфера ҳавоси таркибидан табиий газнинг портловчан концентрациясини терموкаталитик усулда аниқлашнинг барқарор, селектив ва юқори сезгирлигини таъминловчи мақбул шароитларни танлаш;

саноат ва маиший объектларнинг атмосфера ҳавоси таркибидан метаннинг сизиб чиқиши ва тўпланишини аниқлашга мўлжалланган сезгир ва экспресс усуллар ҳамда ишончли сигнализаторларни яратиш;

газга сезгир нанокөмпозит материалларнинг золь-гель усулида синтез қилиш ва улар асосида метаннинг микроконцентрацияларини аниқловчи яримўтказгичли сенсор яратиш;

яримўтказгичли ва терموкаталитик сенсор ёрдамида ҳаво ва газ аралашмалари таркибидан табиий газни аниқлаш учун икки каналли газ анализатор яратиш;

метан анализаторининг метрологик ва аналитик тавсифларини аниқлаш; ишлаб чиқилган сенсорларни лаборатория шароитларида синовлардан ўтказиш ва реал шароитларда қўллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида каталитик фаол металл оксидлари, табиий газ, пропан-бутан аралашмаси, ёниш жараёнларининг чиқинди газлари, метан ва стандарт газ аралашмалари олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Турли ёнувчан моддаларнинг оксидланиш жараёни қонуниятлари, газга сезгир наноматериалларнинг золь-гель синтези қонуниятлари ва метанни аниқловчи селектив терموкаталитик ҳамда яримўтказгичли сенсорларининг аналитик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида газ хроматографияси, ИҚ спектроскопияси, дифференциал термик анализ, потенциометрия, фотоколориметрия, кондуктометрия ва вискозиметрия каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор метанни термокаталитик сенсорининг ишчи ва таққослаш элементлари учун селектив катализаторларнинг таркиби ва компонентлари нисбати ($0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$ ва $0,25\text{Fe}_3\text{O}_4-0,75\text{Ni}_2\text{O}_3$) аниқланган;

илк бор ZnO ва CoO асосида, CH_4 ни аниқловчи яримўтказгичли сенсорлар учун газ сезгир материал (ГСМ) золь-гель усулида синтез қилинган;

SiO₂/ZnO+CoO таркибли ГСМ дан фойдаланиш натижасида яримўтказгичли сенсорнинг табиий газга нисбатан сезувчанлиги ва селективлиги оширилганлиги аниқланган;

термокаталитик ва яримўтказгичли сенсорлардан фойдаланиб, метанни концентрациянинг кенг диапазонида аниқловчи икки каналли анализатор яратилган ;

SiO₂/ZnO+CoO асосида яратилган CH₄ ни аниқловчи яримўтказгичли сенсорларнинг метрологик, эксплуатацион ва бошқа параметрларига турли омилларнинг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноат ва турар жой иншоотлари атмосфера ҳавоси таркибидан табиий газнинг портловчан концентрациясини назорат қилувчи термокаталитик сенсорнинг сезгир элементларини катализаторлари таркиби ва конструкцияси ишлаб чиқилган;

золь-гель синтез жараёнининг оптимал температура, вақт режими ва бошланғич компонентлар таркиби ҳамда CH₄ ни аниқловчи яримўтказгичли сенсор учун юқори сезгир ГСМ олиш имкониятлари аниқланган;

ишлаб чиқилган сенсорлар метанни аниқловчи сигнализатор ва иккита каналли анализатор таркибида фойдаланиш услуги яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кондуктометрия, потенциометрия, газ хроматографияси, фотоколориметрия, микроскопик ва дифференциал анализ усуллари каби замонавий физик-кимёвий усуллар билан ишланган. Хулосалар математик статистика усуллари билан қайта ишланган экспериментал натижалар асосида қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метаннинг термокаталитик сенсори учун селектив катализаторлар ва оптимал шароитларни топишдан; золь-гель жараёни ёрдамида Zn оксиди асосида селектив газга сезгир нанокөмитларини шакллантириш ва унинг асосида метан ва табиий газнинг селектив яримўтказгичли сенсорларини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат ва турар жой бинолари атмосфера ҳавоси таркибидан метанни аниқлашнинг минимал чегарасининг пасайиши ва аниқлаш жараёнининг экспресслигини оширишга, ишлаб чиқилган сенсорлар сигнализатор ва анализаторлар таркибида, атроф-муҳит объектларининг мониторингида ва кўплаб соҳаларни хавфсиз фаолиятини таъминлаш сингари муҳим социал, экологик ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Атмосфера ҳавосининг таркибидан метанни мониторинг қилиш учун кимёвий сенсорларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: яримўтказгичли сенсорлар ва уларнинг асосида ишлаб чиқарилган автоматик газ анализатори «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 29 апрелдаги 605/ГК-19-04-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган

сенсорлар ёпиқ экологик тизимлар (саноат ва маиший бинолари) атмосфера ҳавоси таркибидан метанни концентрациянинг кенг диапазонида аниқлашнинг тезкорлиги ва аниқлигини ошириш имконини берган; метаннинг сизиб чиқиши ва тўпланишининг назорати учун қўлланиладиган терموкаталитик сенсор ва сигнализатор «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 2019 йил 22 майдаги 682/ГК-19-05-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган сенсор метаннинг сизиб чиқиши ва тўпланишини кузатиш учун фойдаланиладиган сигнализатор таркибида ишлаб чиқариш шароитида ёнғин ва портлаш ҳолатларининг олдини олиш имконини берган. **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация, мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шу жумладан 3 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Метанни газ аралашмалари таркибидан аниқлаш усуллари ва асбоблари”** деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда газ аралашмалари таркибидан метанни аниқлашнинг замонавий оптик, электрохимий, терموкаталитик ва яримўтказгичли усуллари ва воситалари бўйича тадқиқотлар таҳлил қилинган ва тизимга солинган. Бунда метан ва табиий газнинг мониторинги учун қўлланиладиган терموкаталитик ва яримўтказгичли усулларга алоҳида эътибор қаратилган. Адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили ушбу ишнинг тадқиқот объекти, вазифалари ва мақсадини танлашга имкон яратган.

Диссертациянинг **“Метанни (табиий газни) селектив аниқловчи терموкаталитик сенсор яратиш ва унинг метрологик тавсифини**

“ўрганиш” деб номланган иккинчи бобида H_2 , CO , CH_4 ва табиий газнинг ҳаводаги стандарт аралашмаларини тайёрлаш ва уларни аттестациялаш натижалари такдим этилган. Ишда ишлатиладиган газ-ҳаво аралашмалари СЭВ 4981-86 (Б 19 гуруҳи) стандартига мувофиқ манометрик усул билан тайёрланган. Бу индивидуал газ компонентларини баллонга босқичма-босқич ўтказишдан иборат. Газ аралашмаси таркибидаги алоҳида компонентнинг миқдорини (X_i) аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилган:

$$X_i = \frac{P_i}{\sum_{i=1}^n P_i} \cdot 100 = \frac{P_i}{P} \cdot 100 \quad (1)$$

Бунда P_i - i -компонентнинг парциаль босими; P -аралашманинг умумий босими. Аралашмадаги метаннинг миқдорини қўшимча аниқлаш газ хроматографияси усули ёрдамида амалга оширилди.

Илмий адабиётларда ва амалиётда анъанавий кенг қўлланиладиган термодинамик сенсорлар (ТКС) газлар аралашмаси таркибидан айрим компонентларини аниқлашнинг селективлигини таъминлай олмайди деб ҳисобланади. Шу сабабли ТКСнинг селективлигини таъминлаш муаммоси долзарбдир. ТКСнинг селективлигини таъминлаш усули газ аралашмасининг айрим компонентларига нисбатан активликлари турлича бўлган катализатор сақлаган ишчи ва таққослаш сезгир элементларидан фойдаланишга асосланган бўлганлиги учун селективликни таъминлашдаги асосий муаммо ишчи ва таққослаш элементлари учун селектив катализатор танлашдан иборат.



Тажрибалар давомида CH_4 ни (табиий газни) аниқловчи сезгир ва селектив ТКС яратиш учун турли катализаторлар иштирокида H_2 , CO ва CH_4 нинг оксидланиш қонуниятлари ўрганилди. Ёнувчан компонентнинг оксидланиш жараёнини назорат қилиш газ-ҳаво аралашмаси таркибини катализатор қаватигача ва катализатор қаватидан кейин газохроматографик усулда назорат қилиш орқали амалга оширилди. Ҳароратнинг $100-350\text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида ўтказилган тажрибаларда Ga , In , Ag , Cr , Mn , Fe , Co , Ni , Cu ва Zn сингари металл оксидларининг каталитик хусусиятлари ўрганилди. Катализаторлар иштирокида H_2 , CO ва CH_4 нинг оксидланиши термодинамик нуқтаи-назардан энг қулай йўналиш бўлган қуйидаги реакцияларга мос равишда CO_2 ва H_2O буғларининг ҳосил бўлиши ҳамда иссиқлик ажралиши билан боради:



Бу реакциялар катта иссиқлик эффектига эга ва деярли қайтмас. Тажриба натижаларига кўра, CH_4 ва табиий газнинг оксидланиш жараёнида Ag_2O ва In_2O_3 энг фаол катализаторлар эканлиги аниқланди. Ag_2O ва In_2O_3 иштирокида $200\text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда табиий газнинг конверсияси 86 ва 98% ни ташкил қилади. Тажрибаларда бир компонентли анализаторларга нисбатан ккки компонентли оксид аралашмаларининг активлиги ва селективлиги юқори

бўлиши аниқланган. Бинар аралашмалар иштирокида ёнувчи бирикмаларнинг оксидланиш қонуниятларини ўрганиш, ишчи ва таққослаш термосезгир элементлари катализатори сифатида $0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$ ва $0,25\text{Fe}_3\text{O}_4-0,75\text{Ni}_2\text{O}_3$ дан фойдаланиб ишлаб чиқилган термокаталитик сенсор ёрдамида метанни водород ва ис гази иштирокида селектив аниқлаш имконини тасдиқлайди.

ТКС нинг ишлаш принципи катализатор юзасида CH_4 нинг алангасиз ёниши жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдорини ўлчашга асосланган. ТКС CH_4 , иккита газ сезгир элементлар ва иккита доимий резистордан иборат. 1-расмда ишлаб чиқилган CH_4 ни аниқловчи ТКС нинг газ сезгир элементларининг сурати (а) ва сезгир элементларнинг уланиш схемаси (б) келтирилган.



1-расм. CH_4 ни аниқловчи ТКС нинг сезгир элементларини суръати (а) ва сезгир элементларининг уланиш схемаси (б)


Ишчи термосезгир элемент катализатори юзасида CH_4 молекулалари кислород билан таъсирлашганда у (3) тенгламага мувофиқ оксидланади. Бунда ажралиб чиққан иссиқлик таъсирида Pt симининг (спиралининг) қаршилиги (R_{Pt}) ўзгаради. Бу ўзгариш кўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$R_{\text{Pt}} = R_{\text{Pt}} (1 + \alpha \Delta T) \quad (5)$$

бунда R_{Pt} -спиралнинг 25°C даги қаршилиги; α -платина симининг температура коэффиценти, ΔT -спирал ҳароратининг ўзгариши. Кинетик соҳада CH_4 нинг оксидланиш жараёни тезлиги (W , мол/с) аралашмадаги метаннинг ва кислороднинг концентрациялари (C_{CH_4} ва C_{O_2}) кўпайтмаси сифатида ифодаланади.

$$W = kF_3 f(C_{\text{CH}_4} \cdot C_{\text{O}_2}) \quad (6)$$

бунда k -тезлик константаси, с^{-1} ; F_3 - фаол сирт, м^2 . CH_4 нинг оксидланиши бир вақтнинг ўзида катализатор юзасига O_2 ва CH_4 нинг адсорбцияланиши билан амалга ошади. Бу реакциянинг тезлигига CH_4 ва O_2 нинг концентрацияси таъсир кўрсатади. CH_4 нинг концентрацияси 9% дан юқори бўлса реакция тезлигини аниқловчи компонент ҳаво кислороди бўлади. Ишлаб чиқилган катализаторлар ($0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$ ва $0,25\text{Fe}_3\text{O}_4-0,75\text{Ni}_2\text{O}_3$) дан фойдаланиб, CO ва H_2 иштирокида CH_4 ни селектив аниқловчи ТКС ишлаб чиқилди (2-расм). Ушбу сенсордаги ишчи сезгир элементининг (катализатор: $0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$) сигнали аралашмадаги ёнувчи газларнинг (H_2 , CO , CH_4) умумий миқдорига мос, таққослаш сезгир элементнинг сигнали эса фақат CO ва H_2 аралашмасининг концентрациясига мос келади.



2-расм. Селектив термокаталитик сенсорнинг расми (а) ва улашиш схемаси (б) (1-корпус, 2-химоя қобиғи, 3-ғовак титан тўри, 4-металл оёқлар)

Натижада биринчи ва иккинчи сезгир элементларнинг сигналлари фарқи аралашмадаги CH_4 концентрациясига мос бўлади. Ишлаб чиқилган сенсорларнинг синов режаси сенсорга бериладиган оптимал кучланиш қийматини танлаш, сенсорнинг сигналини концентрацияга боғлиқлигини, динамик ва бошқа параметрларини аниқлаш ҳамда унинг селективлиги ва барқарорлигини текшириш билан боғлиқ махсус тажрибаларни ўз ичига олган. CH_4 ни аниқлашдаги энг юқори сигнал қиймати 2,6 В да кузатилади.

Сенсорнинг CH_4 ва табиий газни аниқлашдаги сигнал қийматларини солиштириш бир хил шароитларда табиий газ учун ТКС нинг энг юқори сигналини таъминловчи кучланиш қиймати 2,8-3,0 В га тенг бўлиб, метанни максимал қийматига мос келувчи кучланиш қийматига (2,6 В) нисбатан юқори бўлиши аниқланди. Ишлаб чиқилган сенсор сигнал қийматининг бошланиш вақти ($t_{0,1}$) 3-4 с, доимий вақти ($t_{0,63}$) 9 с дан ошмайди, сенсор сигналнинг 90 % га мос келувчи вақти ($t_{0,9}$) 13 с ва максимал қийматга эришиш вақти ($t_{п}$) 17-18 с га мос келиши кузатилди. Бу ишлаб чиқилган сенсорларнинг табиий газни экспресс анализида қўллаш имкониятларини яна бир бор тасдиқлайди. Сенсор сигналнинг ўрганилаётган концентрация диапазонида метаннинг концентрациясига боғлиқлиги (ҳажми бўйича 0,1 дан 5,0 фоизгача) тўғри чизикли тавсифга эга (1-жадвал).

1-жадвал.

ТКС сигналнинг CH_4 концентрацияси C_{CH_4} га боғлиқлиги ($n=5, P=0,95$)

C_{CH_4} хаж.%	Сенсор сигнали, мВ		
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$Sr10^2$
0,1	6,2±0,1	0,08	1,3
1,0	63,0±0,3	0,24	0,4
2,0	127,0±0,9	0,72	0,6
3,0	186,1±1,7	1,37	0,7
4,0	256,4±3,2	2,58	1,0
5,0	323,3±2,8	2,25	0,7

Тажрибалар ишлаб чиқилган сенсор сигналнинг концентрацияга боғлиқлиги метан ва табиий газ учун бир хил кўринишга эга эканлигини кўрсатди. Бу ТКС ни концен-трацияни 0-5,0 хаж. % оралиғида табиий газни турар-жой ва ишлаб чиқариш кор-хоналарнинг ёпиқ хоналаридан ҳамда транспорт воситалари салонидан аниқлаш учун ишлатиш имконини беради.

Тажрибаларда икки хил сенсорлардан фойдаланилди. Булардан бири иккала ишчи ва таққослаш газ сезгир элементларида (ТСЭ) ҳам катализатор сақлаган сенсор (ТКС-1), иккинчиси эса фақат ишчи сезгир элементида ИСЭ катализатор сақлаган сенсор (ТКС-2).

2-жадвал.

Ишчи ва таққослаш элементида катализатор сақлаган (ТКС-1) ва фақат ишчи сезгир элементида катализатор сақлаган ТКС-2 сенсорларнинг селективлигини текшириш натижалари (n=5, P=0,95)

Компонентнинг аралашмадаги миқдори, ҳаж.%	Сенсор сигнали, мВ			
	ТКС-1 катализатори: 0,75In ₂ O ₃ -0,25Ag ₂ O 0,25Fe ₃ O ₄ -0,75 Ni ₂ O ₃ .		ТКС-2 катализатори: 0,75In ₂ O ₃ -0,25 Ag ₂ O	
	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr · 10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	Sr · 10 ²
1,0 H ₂	2,6±0,1	3,1	103,9±0,6	0,6
1,0 CO	0,6±0,1	1,3	29,1±0,2	0,6
1,0 CH ₄	95,6±0,3	0,3	97,0±0,7	0,2
1,0CH ₄ +1,0 H ₂	97,1±0,4	0,3	195,3±0,4	0,9
1,0CH ₄ +1,0 CO	96,9±0,3	0,2	115,4±1,3	1,1
1,0CH ₄ +H ₂ +CO	98,1±0,7	0,6	227,9±3,1	0,6

2-жадвалдан кўринганидек ТКС-1 тадқиқ қилинган концентрация диапазонида H₂ ва CO ни деярли сезмайди. ТКС-1ни CH₄ га сигнали H₂ га нисбатан сигналидан 36,8 мартага ва CO га нисбатан сигналидан 159,3 мартага катта. ТКС-1 дан фарқли ТКС-2 H₂ ва CO га нисбатан сезгир. Ушбу сенсор 1% лик H₂, CO ва CH₄ га мос равишда 103,9 мВ, 29,1 мВ ва 97,0 мВ га тенг сигнал қийматига эга.

Демак, ТКС-1 амалда ТКС-2 дан фарқли равишда юқори селективликни намоён қилади ва бу сенсор H₂ ва CO иштирокида табиий газни аниқлаш жараёнининг селективлигини таъминлайди. Сенсорнинг табиий газни бошқа бирикмалар иштирокида аниқлаш хатоси 2,0% дан ошмайди.

Сенсор сигналининг барқарорлигини вақт давомида ўзгариши нормал шароитларда 1000 соатлик тажриба давомида табиий газнинг-1,0 % лик ҳаводаги аралашмасидан фойдаланиб ўрганилди. Олинган натижалар ўрганилган диапазонда сенсор сигналининг барқарор сақланишини кўрсатди. Концентрациянинг 0-5,0 ҳаж.% қийматларида сенсорнинг ўлчаш диапазони ва аниқлаш хатосини тешириш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

ТКС-CH₄ ни 0-5,0 ҳаж. % диапазонида CH₄ ни аниқлашнинг хато қийматини текшириш натижаси

Аралашмадаги C _{CH₄} , ҳаж.%	Топилган CH ₄ , ҳаж.%	Асосий мутлақ хато.(Δ)	Асос. келтирилган хато.(γ)
0,51	0,52	0,01	0,2
2,55	2,51	0,04	0,8
4,74	4,81	0,07	1,4

Ўрганилган диапазонда сигнални концентрацияга боғлиқлиги тўғри чизиқли тавсифга эга, концентрацияни 0-5,0% оралиғида аниқлашнинг асосий келтирилган хато қиймати 1,4 % дан ортмайди.

4-жадвал.

ТКС ни -10 +40 °С диапазолидаги юзага келувчи қўшимча хато ($\gamma_{\text{қўш}}$) қиймати

Температура, °С	$\gamma_{\text{қўш}}$			$\gamma_{\text{қўш}}$ по ГОСТ 13320-81
	0,5%	2,5%	5,0%	
-10	0,4	3,0	2,0	5,0
0	0,2	2,0	2,0	5,0
+10	0,7	1,0	0,7	5,0
+20	0,6	0,3	2,0	5,0
+30	0,5	0,3	0,4	5,0
+40	0,2	0,3	0,7	5,0

Температуранинг ўзгаришидан юзага келувчи хато 2% га тенг ва у ГОСТ 13320-81 тамонидан белгиланган асосий хато қийматидан кичик. Температуранинг (-10-+40°С), босимни (600-800 мм. сим. уст) ва намликни (40-95%) ўзгаришидан юзага келувчи қўшимча хато қиймати 3,5 % га тенг. Ўтказилган тадқиқотлар ТКС давлат стандарти томонидан шу турдаги асбобларга қўйиладиган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кўрсатди.

5-жадвал.

Сенсорни қиёсий баҳолаш натижаси

	Сенсорнинг сигнали, мВ	
	Сенсор-1	Сенсор-2
	97,0	73,0
$C_{\text{CO}} 1\% + \text{хаво}$	0,6	55,7,
$C_{\text{H}_2} 1\% + \text{хаво}$	2,1	66,6
Селективлик коэффициенти		
СО бўйича	46,2	1,3
H ₂ бўйича	161,7	1,1

5-жадвалда ишда ишлаб чиқилган (Сенсор 1) ва мавжуд бўлган (Сенсор-2) сенсорларнинг сезувчанлик ва селективлигини қиёсий ўрганиш натижалари келтирилган. Жадвалдан ишлаб чиқарилган сенсорнинг сезгирлиги ва селективлиги ўзининг мавжуд аналогининг кўрсаткичидан кескин фарқ қилишини кўради.

Тажирибалар давомида СамДУда 1990-2019 йиллар оралиғида яратилган ТКС ларнинг қиёсий тавсифи ўрганилди. 6-жадвалда келтирилган натижалар золь-гель технологиясидан фойдаланган ҳолда тайёрланган $0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$ ва $0,25\text{Fe}_3\text{O}_4-0,75\text{Ni}_2\text{O}_3$ таркибли катализатор асосида ишлаб чиқарилган ТКС-1 олдиндан ишлаб чиқилган аналогларидан (ТКС-2 ва ТКС-3) сезгирлиги ва экспресслиги юқори бўлган ҳолда аниқлаш хатоси кичик эканлигини кўради.

Шундай қилиб, селектив ва юқори сезгир метанни аниқловчи сенсор учун катализатор ($0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$ ва $0,25\text{Fe}_3\text{O}_4-0,75\text{Ni}_2\text{O}_3$) танланди. Танланган катализаторлар ёрдамида табиий газ учун селектив ТКС ишлаб чиқилди. Сенсорнинг сигнал қийматига турли параметрларнинг таъсири ўрганилди ва сенсорнинг максимал сигнал қийматини таъминловчи оптимал шароитлар аниқланди.

6-жадвал

СамДУ газлар таҳлили лабораториясида 1990-2019 йилларда ишлаб чиқилган сенсорларнинг қиёсий тавсифи.

Кўрсаткичлар	ТКС-1.	ТКС-2.	ТКС-3.
ИСЭ ва ТСЭ ларнинг катализаторлари таркиби	$0,75\text{In}_2\text{O}_3-0,25\text{Ag}_2\text{O}$ ва $0,25\text{Fe}_3\text{O}_4-0,75\text{Ni}_2\text{O}_3$	$\text{Pt-CoO-MnO}_2/\text{Al}_2\text{O}_3$ ва $\text{Pt-NiO/Al}_2\text{O}_3$	$\text{Co}_3\text{O}_4+1\%$ и Pt ва $\text{Co}_3\text{O}_4+\text{MoO}_3$
Катализатор олиш усули	Золь-гель техно-гия	Чўктириш	Чўктириш
Сенсорнинг конц-цияси	Икки камерали	бир камерали	Икки камерали
CH_4 газ сезгирлиги, мВ%	97,0	29,0	44,0
Экспресслиги, $T_{0,9}$ с.	13	12	19
Асосий хатоси, %	1,6	1,5	1,6
Кучланиш қиймати, мВ	2,6	3,2	3,7

Диссертациянинг “Метанни (табиий газни) аниқловчи сигнализаторни ишлаб чиқиш ва унинг кўрсаткичларини ўрганиш” номли учинчи бобида, ёпиқ экологик системалар атмосфера ҳавоси таркибидан метанни (табиий газни) аниқловчи сигнализатор ишлаб чиқилган ва унинг метрологик параметрлари ўрганилган (3-расм).

3-расм. Термокаталитик сигнализаторнинг ташқи кўриниши.



Ушбу селектив ТКС асосида ишлаб чиқилган сигнализатор ёпиқ экологик системаларда табиий газни сизиб чиқиши ва тўпланишини назорат қилиш жараёнининг ишончли мониторингини таъминлайди. Сигнализатор ёпиқ хоналар атмосфера ҳавоси таркибидан CH_4 ни узлуксиз назорат қилиш ва концентрация белгиланган чегара қийматидан ортганида сигнал беришга мўлжалланган.

Сигнализатор электромагнит клапанни бошқарувчи сигналга эга ва инфор- мацион тизим таркибида ишатиш мумкин. Сигнализатор қуйидаги функция- ларни бажаради:

- ҳаводаги метаннинг миқдорини автоматик узлуксиз назорат қилиш;
- ҳаводаги метаннинг миқдори белгиланган чегарадан ошиб кетганда ёруғлик ва товушли сигнал бериш;
- электромагнит клапанни бошқариш.

Ишлаб чиқилган сигнализатор қурилмаси ёпиқ экологик тизимларда (уй, ошхона, гараж, ертўла, автомобиль салони турли қувватли қозонхоналар ва

газнинг тўпланишини доимий мониторинг қилиш ҳамда табиий ва суюлтирилган газнинг тўпланишидан юзага келувчи ёнғин ва портлаш хавфини йўқотиш учун мўлжалланган.

Белгиланган чегарасида концентрацияни сигнализатор сигналига таъсирини ўрганиш натижалари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал.

Сигнализатор сигналини 0-5,0 % оралиғида аралашмадаги CН_4 нинг концентрациясига боғлиқлиги $n=5$, $P=0,95$)

Сигнализатор ишга тушиши керак бўлган C_{CH_4} чегараси, %.	Сигнализатор амалда ишлаб бошлаган концентрация, $(\bar{x} \pm \Delta x)$, % об.	Аниқлаш хатоси, %	
		асосий абсолют	Асосий келтирилган
0,50	0,53	0,03	0,6
1,00	0,95	0,05	1,0
2,00	2,08	0,08	1,6
2,50	2,45	0,05	1,0

Жадвалдан сигнализатор сигналини метаннинг концентрациясига мос ўзгариши тўғри чиқиқли характерга эга эканлигини кўрамыз. Ўрганилган диапазонда аниқлашнинг асосий келтирилган хато қиймати 1,6% га тенг.

Диссертациянинг **“Метанни аниқловчи яримўтказгичли сенсор яратиш ва унинг метрологик кўрсаткичларини аниқлаш”** мавзусидаги тўртинчи бобида табиий газ ва метанни аниқловчи яримўтказгичли сенсорлар (ЯЎС) учун газ сезгир плёнкаларнинг золь-гель синтези қонуниятлари ўрганилган. Золь-гель технологиясида ишлатиладиган энг кенг тарқалган прекурсорлардан бири алкокси бирикмалардир. Биз ишимизда прекурсор сифатида тетрээтоксисилан (ТЭОС) дан фойдаландик. ТЭОС нинг гидролизини охиригача боради десак, бу реакцияни қуйидагича ифодалаш мумкин:



Бу реакциянинг мувозанат константаси қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$K = \frac{[\text{H}_4\text{SiO}_4] \cdot [\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}]^4}{[(\text{C}_2\text{H}_5\text{O})_4\text{Si}] \cdot [\text{H}_2\text{O}]^4} \quad (8)$$

ТЭОС нинг гидролизланиши давомида, мувозанат ўнг томонга силжийди. Мувозанатни чапга силжитиш ва гидролиз реакция тезлигини секинлаштириш учун одатда ТЭОС нинг гидролизи этанол иштирокида амалга оширилади. Шу сабабли органик эритувчи сифатида алифатик спиртларни ишлатдик.

Газга сезгир бўлган плёнкаларни золь-гель синтези технологиясини оптималлаштиришда дастлабки компонентларнинг ўзаро нисбати қуйидаги оралиқларда ўзгартирилди: $\text{Si}(\text{OC}_2\text{H}_5)_4 : \text{H}_2\text{O} : \text{ROH} : \text{HX} = (1-4) : (1-40) : (1-45) : (0,01-0,3)$, бунда ROH спирт, HX – хлорид кислота.

Ўтказилган тажрибалар натижасида жараённи олиб боришдаги бошланғич компонентларнинг қуйидаги оптимал нисбатлари аниқланди: $\text{Si}(\text{OC}_2\text{H}_5)_4 : \text{H}_2\text{O} : \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} : \text{HCl} = 1 : 20 : 30 : 0,05$, бу нисбат газ сезгир плёнка ҳосил қилувчи

эритманинг юқори (450 соат) барқарорлигини таъминлайди. Силикат матричасига металл оксидларни киритиш ёнувчан газларнинг кимёвий сенсорлари учун юқори сезгир ва селектив нанокөмпозитларни олиш имконини беради. Тажрибалар давомида, ТЭОС асосидаги золда структурани шаклланиш жараёни ZnO асосидаги допант иштирокида атрофлича кўриб чиқилди. Модификацияловчи металл оксиди манбаи сифатида ZnCl₂ тузидан фойдаланилди. ТЭОС:H₂O:C₂H₅OH:HCl нинг 1:20:30:0,05 нисбатдаги аралашмасига ZnO ни SiO₂/ZnO нисбатда кўшилиши эритманинг қовушқоқлигининг ортиши ва унинг барқарорлигини пасайишига олиб келади. SiO₂ ва ZnO ни 1,0:0,1 дан 1,0:2,0 гача нисбатларида, эритмадаги допант миқдори қанча кўп бўлса, уни ишлатиш муддати шунчалик қисқарди.

Тажриба натижалари метанни аниқловчи газ сенсори учун газ сезгир материал сифатида рух ва кобальт оксиддан тайёрланган қатламдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Ишлаб чиқилган сенсор ярим ўтказгичли газ сезгир материал билан қопланган платина симидан тайёрланган спиралдан иборат. Ярим ўтказгичли сенсорнинг ишлаш принципи анализ қилинадиган газ муҳитининг таркиби ўзгарганда, яримўтказгич намунасининг сезгир қатламини электрофизик хусусиятларининг ўзгаришига асосланган. Жараённинг моҳияти аниқланаётган газнинг газсезгир қавати сиртида адсорбцияланган кислород билан ўзаро таъсирига асосланган. Ушбу реакция натижада реакция маҳсулотлари плёнка сиртини нейтрал бирикма шаклида тарк этади, жараёнда ажралган электронни плёнкага қайтиши натижасида эса унинг ўтказувчанлиги ортади. Масалан:



Шундай қилиб, ярим ўтказгичли қатламнинг атмосферадаги табиий газ (CH₄) таъсирида юзага келувчи ўтказувчанлигидаги фарқи газнинг концентрацияси ҳақида маълумот беради. Концентрация таъсирида қаршиликнинг ўзгариши қайтарувчи газлар учун экспотенциаль тавсифга эга ва қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$R = KC^{-\alpha} \quad (10)$$

бунда C - анализ қилинадиган аралашмада аниқланадиган газнинг миқдори; K ва α - константа. Сенсорнинг сезгирлиги ўлчовсиз катталиқ бўлиб, сезгирлик коэффиценти S билан ифодаланади ва қуйидаги формула билан аниқланади:

$$S = R_{\text{хаво}}/R_{\text{газ}} = \sigma_{\text{гас}}/\sigma_{\text{хаво}} \quad (11)$$

бунда $\sigma_{\text{газ}}$, $R_{\text{газ}}$ - маълум концентрацияли газ таъсирида ўзгарувчи электр ўтказувчанлик ва қаршилик, $\sigma_{\text{хаво}}$, $R_{\text{хаво}}$ газсиз муҳитдаги электр ўтказувчанлик ва қаршилик. Тажрибаларда Zn ва Co оксидлари асосида тайёрланган сенсорнинг метрологик тавсифи ўрганилди. SiO₂/ZnO+ 10%CoO таркибли сенсор сигналининг 200-500⁰С оралиғида ҳароратга боғлиқлигини ўрганиш натижаларининг энг оптимал температура қиймати 375⁰С га тенгигини кўрсатди.

Тажрибаларда, ГСМ сиртида 375⁰С ҳарорат қиздирувчи қатламга бериладиган 2,1 В кучланиш таъсирида ҳосил қилинди. Шу сабабли барча

кейинги тажрибалар кучланишнинг 2,1 га тенг қийматида олиб борилди. $\text{SiO}_2/\text{ZnO}+10\%\text{CoO}$ асосидаги сенсорнинг сигнал қийматини максимал кўрсаткичига эришиш учун талаб этиладиган вақт 15 секундни ташкил қилади. Концентрациянинг 50-1000 $\text{мг}/\text{м}^3$ оралиғида сигнални метан концентрациясига боғлиқлиги тўғри чизиқли тавсифга эга. Сенсорнинг барқарорлигини ўрганиш учун тажрибалар метаннинг 0,01 ва 0,2 ҳаж % лик аралашмаларида олиб борилди. 2000 соатлик узлуксиз тажриба натижалари 8-жадвалда келтирилган бўлиб, ундан ЯЎС- CH_4 сигналининг белгиланган вақт давомида барқарор сақланишини кўрамыз.


CH_4 назорат қилиш талаб этиладиган объектларда унга қўшимча равишда H_2 ва CO ҳам мавжуд. Тажрибалар давомида метанни аниқлаш учун ишлаб чиқилган сенсорларнинг селективлиги CH_4 билан бирга ички ёнув двигателлари, ва турли конструкцияли печларнинг ёниш жараёни чиқинди газларининг асосий компоненти бўлган H_2 ва CO иштирокида аниқланди.

8- жадвал

Сенсор сигналининг барқарорлигини ўрганиш натижалари (n=5, P=0,95)

№ т/н	вақт, соат	CH_4 нинг аралашмадаги миқдори, 0,01%			CH_4 нинг аралашмадаги миқдори, 0,2 %		
		$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$\text{Sr} \cdot 10^2$	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	$\text{Sr} \cdot 10^2$
1	1	1,480±0,012	0,010	0,7	5,538±0,045	0,036	0,7
2	24	1,525±0,023	0,018	1,2	5,635±0,065	0,032	0,7
4	220	1,490±0,010	0,008	0,5	5,529±0,029	0,023	0,4
7	550	1,479±0,020	0,016	1,1	5,544±0,038	0,031	0,6
11	1000	1,478±0,021	0,017	1,1	5,641±0,055	0,044	0,8
13	1400	1,480±0,023	0,018	1,2	5,530±0,037	0,030	0,5
16	2000	1,491±0,015	0,012	0,8	5,525±0,032	0,026	0,5

H_2 ва CO иштирокида CH_4 ни аниқлашнинг селективлигини таъминлашда, $\text{SiO}_2\text{-ZnO}+\text{CoO}$ таркибли плёнканинг селективлигига легирловчи қўшимча миқдори ва температуранинг таъсири ўрганилди. Турли таркибли газ сезгир материалларнинг сигнални температурага боғлиқлиги 4-расмда келтирилган.




4-Расм. Турли таркибли газ сезгир материалларнинг сигнални температурага боғлиқлиги. 1- $\text{SiO}_2/\text{ZnO}+1\%\text{CoO}$; 2- $\text{SiO}_2/\text{ZnO}+10\%\text{CoO}$. (CH_4 ни аралашмадаги миқдори 250 $\text{мг}/\text{м}^3$) $C_{\text{CH}_4}=250\text{мг}/\text{м}^3$ учун сигнални энг катта қиймати 10% CoO га мос келади.

ЯЎС-CH₄ метанга нисбатан юқори сезувчанлигини таъминловчи оптимал ҳарорат SiO₂/ZnO +1% CoO таркибли ГСМ учун 450 °С (4-расм, а), SiO₂/ZnO + 10% CoO учун эса 350 °С (4- расм, б) га тўғри келади. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ишлаб чиқилган ЯЎС-CH₄ метрологик ва эксплуатацион тавсифи бўйича метанни узлуксиз автоматик мониторингида қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг “**Метаннинг мониторинги учун термokatалитик ва яримўтказгичли сенсорларга асосланган икки каналли газанализатори (ТЯГ-CH₄)**” деб номланган 5-бобида ТКС ва ЯЎС асосида метаннинг концентрациясини ўлчаш учун мўлжалланган икки каналли автоматик газ анализатори ТЯГ-CH₄ ишлаб чиқилган.

Анализаторнинг ўлчов диапазони: ЯЎС қўлланилган 1-канал учун 0-1000 мг/ м³ ва ТКС қўлланилган 2-канал учун 0-5,0% га тенг. ТЯГ-CH₄ газ анализатори (5-расм) бирламчи сенсорлар, сигнал кучайтиргичи, АЦП ва компьютердан иборат.



5-расм. Метанни аниқловчи икки каналли газ анализатор

Газ анализаторни тайёрлашда фойдаланилган селектив сенсорлар ушбу ишда таклиф этилган методикага мувофиқ ишлаб чиқилган.

Газ анализатор метаннинг ҳаводаги аралашмаларидан фойдаланилиб лаборатория ва реал шароитларда синовдан ўтказилди. Газ анализаторнинг текширилган нуқталаридаги асосий мутлақ хато қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$\Delta = A_m - A_0 \quad (12)$$

Бунда A_m -метаннинг асбоб ёрдамида аниқланган миқдори; A_0 унинг аралашмадаги ҳақиқий қиймати. Асосий келтирилган хато қиймати газ анализаторининг кўрсаткичи билан ҳақиқий қийматлари фарқини асбобнинг ўлчаш диапазони ($C_k - C_n$) нисбати билан аниқланди:

$$\gamma = A_1 - A_0 / C_k - C_n \quad (13)$$

Метанни концентрациясининг 0-1000мг/м³ ва 0-0,5% диапазонида ТЯГ-СН₄ сигналининг концентрацияга боғлиқлигини ўрганиш натижалари 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

Газоанализатор ТЯГ-СН₄ сигналининг концентрацияга боғлиқлигини ўрганиш натижалари (n=5, P=0,95)

Аралашмадаги СН ₄ миқдори, мг/м ³	СН ₄ нинг аниқланган миқдори, мг/м ³			Аралашмадаги СН ₄ миқдори, ҳаж. %.	СН ₄ нинг аниқланган миқдори, ҳаж. %		
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	Sr·10 ²		$(\bar{x} \pm \Delta x)$	S	Sr·10 ²
10	11±0,3	0,24	2,2	0,10	0,97±0,02	0,02	1,7
50	48±0,9	0,72	1,5	0,50	0,45±0,06	0,05	1,1
500	510±2,0	1,61	0,3	2,50	2,56±0,16	0,13	2,5
980	973±4,8	3,86	0,4	4,90	4,95±0,21	0,17	2,4

ГОСТ 13320-81 га биноан, умумий кўшимча хатоликнинг рухсат этилган максимал қиймати рухсат этилган асосий хато чегарасининг икки баробаридан ошмаслиги керак. Барча ҳолатларда ҳарорат, намлик ва босимнинг ўзгариши натижасида юзага келувчи газ анализаторининг умумий кўшимча қиймати ±1,5 % ни ташкил этади.

Ишлаб чиқилган газ анализаторининг аниқлигини баҳолаш учун турли хил тайёр аралашмаларнинг параллел анализдан иборат бўлган тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу тақиқот натижалари 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

Ишлаб чиқилган газ анализаторларнинг қиёсий таққослаш натижалари (n= 5; P = 0,95).

Аралашмадаги СН ₄ .	Метаннинг аниқланган миқдори, % об. (мг/м ³)					
	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	Sr*10 ²	$\bar{x} \pm \Delta x$	S	Sr*10 ²
ҳаж. %	1-канал ТКС			Термокондуктометрик анализатор		
0,45	0,47±0,03	1,05	2,2	0,40±0,03	0,88	1,9
2,84	2,86±0,04	1,93	0,8	2,76±0,13	2,65	1,0
4,95	4,98±0,12	3,38	0,5	4,88±0,12	3,38	0,5
мг/м ³	2-канал ЯҲС			Хроматограф «Кристалл-500»		
50	47±1,3	1,05	2,2	47±1,1	0,88	1,9
250	256±2,4	1,93	0,8	257±3,3	2,65	1,0
500	512±3,3	2,65	0,5	489±4,3	3,46	0,7
1000	991±5,2	4,18	0,4	995±5,5	4,42	0,4

Жадвалдан термокаталитик ва яримўтказгичли сенсорлар асосида ишлаб чиқилган газ анализатор термокондуктометрик ва газохроматографик анализаторларга нисбатан газ муҳитидан СН₄ нинг аниқланишини юқори аниқлик ва такрорланувчанлигини таъминлашини кўради.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида метаннинг (табиий газнинг) юқори эффектив анализатори ишлаб чиқилди. Анализаторнинг

ўрганилган диапазондаги аниқланган хато қиймати ва аналитик сигналнинг ўзгаришлари ушбу параметрлар учун ГОСТ 13320-81 томонидан рухсат этилган чегарасидан ошмайди.

ХУЛОСАЛАР

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Ёнувчан моддалар (H_2 , CO ва CH_4) ни металл оксидлари иштирокида оксидланиш қонуниятларини ўрганиш давомида олинган натижалар асосида метанни терموкаталитик сенсори сезгир элементлари учун энг мақбул катализаторлар таркиби ($0,75In_2O_3-0,25Ag_2O$ ва $0,25Fe_3O_4-0,75Ni_2O_3$) тавсия этилади.

2. Газ аралашмалари компонентларига нисбатан турлича фаолликка эга бўлган катализаторлар асосида тайёрланган сезгир элементлардан фойдаланиш натижасида метанни ис гази ва водород иштирокида аниқлаш жараёнининг селективлиги таъминланади.

3. ТКС ни метаннинг аниқлаш жараёнидаги имкониятлари унинг сезгирлиги, селективлиги, аниқлашнинг хатоси, сингари кўрсаткичларини тегишли давлат стандартларига тўлиқ жавоб бериши ҳамда юқори аниқлик ва тезкорликни таъминлаши билан изоҳланади.

4. Атмосфера ҳавоси таркибидан табиий ва суюлтирилган газни мониторинги учун терموкаталитик услуб ва сигнализатор ишлаб чиқилди. Сигнализаторнинг аниқланган аналитик, метрологик ва эксплуатацион кўрсаткичлари мавжуд аналогларидан устунлиги аниқланди ва ёпиқ экологик системалар ҳавосидан табиий газни аниқлашда фойдаланишга тавсия этилади.

5. ZnO ва CoO асосида юпқа газ сезгир наноконпозицион плёнкалар ҳосил қилувчи компонентларнинг таркиби, оптимал нисбатлари ва тайёрлаш технологияси таклиф этилган. Газ сезгир қатлам, асосида CH_4 нинг юқори сезгир ва селектив яримўтказгичли сенсорлари (ЯЎС- CH_4) тайёрланди. Тайёрланган сенсорларни сигнализаторлар ва газанализаторлар таркибида ишлатилиши уларнинг табиий газни узлуксиз автоматик равишда аниқлашдаги юқори сезгирлиги, селективлиги ва сигналининг барқарорлиги билан изоҳланади.

6. Термокаталитик ва яримўтказгичли сенсорлар асосида концентрациянинг кенг оралиғида метанни (табиий газни) микро- ва макроконцентрацияларини аниқлаш усули ва икки каналли газ анализатори (ТЯГ- CH_4) ишлаб чиқилди. Турли параметрларнинг кенг диапазонида анализаторнинг аналитик ва метрологик кўрсаткичлари тегишли давлат стандартлари талабларига жавоб бериши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.02.2018.K.02.05 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭШКОБИЛОВА МАВЖУДА ЭРГАШБОВНА

**РАЗРАБОТКА ХИМИЧЕСКИХ СЕНСОРОВ ДЛЯ
МОНИТОРИНГА МЕТАНА**

02.00.02 - Аналитическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.PHD К-186

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу www.samdu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Насимов Абдулло Муродович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Яхшиева Зухра Зиятовна
доктор химических наук, доцент

Рахматов Худоёр Бобониёзович
кандидат химических наук

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.28.02.2018.К.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, физико-химический корпус, 3 этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № ____. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, ИРЦ. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 г)

Р.Нормухаматов

Зам.председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

Х.Т.Гробов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.х.н.,
доцент

С.Д.Аранбаев

Зам.председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

На сегодняшний день одним из наиболее опасных видов аварий на бытовых и промышленных объектах являются взрывы метана. Нижним концентрационным пределом взрывчатости метана (НПВ) обычно принято считать 5%, а верхним пределом взрывчатости (ВПВ) - 16%. Поэтому создания химических сенсоров и сигнализаторов обеспечивающей взрыво- и пожаробезопасности бытовых и промышленных объектов имеет важное значение.

В мире особое внимание уделяется созданию экспрессных и недорогих химических сенсоров для надежного и однозначного контроля утечек и скоплений природного газа. Анализ развития газовых сенсоров в промышленно развитых странах показал, что для предотвращения взрывоопасности наиболее надежным является использование термokatалитических и полупроводниковых сенсоров. С развитием транспорта, энергетики и нефте-газовой промышленности в глобальных масштабах ужесточаются требования к обеспечению взрывобезопасности производственных и бытовых объектов. Данное обстоятельство обуславливает актуальность проведения теоретических и практических исследований, направленных на разработку экспрессных, чувствительных и селективных сенсоров, обеспечивающих надежный контроль взрывоопасности газовых смесей замкнутых экологических систем.

С ростом добычи и использования газа в Республике достигнуто определенные научные результаты при разработке экспрессных методов и надежных сенсоров и сигнализаторов предназначенного для обнаружения утечек и скоплений метана в атмосферном воздухе промышленных и бытовых объектов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечены важные задачи: «производство продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья, разработка новых видов продукции и технологий на этой основе, обеспечить конкурентоспособность отечественных товаров на внутреннем и внешнем рынках». При этом важную роль играет обеспечение пожаро и взрывобезопасности промышленных предприятий, транспорта и объектов ЖКХ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья» и ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также другими нормативно - правовыми документами, принятыми в данной сфере.

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во всех развитых странах мира проводятся систематические исследования, направленные на разработку методов и сенсоров контроля токсичных пожаро- и взрывоопасных газов. Особое внимание уделено созданию экспрессных и чувствительных сенсоров, обеспечивающих надежный контроль взрывоопасности газовых смесей замкнутых экологических систем. В частности, зарубежные исследователи Sheikh A., Prabir K., Persaud K., Dodd G., Routkevitch D., Mardilovich P., Govyadinov A., Chang J.F., Stamataki M., Calestani D., Zha M., Mosca R., Corcoran P., Shurmer H.V., Gardner J.W. и многие другие занимались разработкой методов и сенсоров контроля состава смеси газов. Такими учеными стран СНГ, как Щербань А.Н., Фурман Н.И., Карпов Е.Ф., Голинько В.И., Рязанов А.В., Молодечкин М.О., Сысоев В.В., Зюрюкин Ю.А., Лашков А.В., Доброхотов В.В. проводились фундаментальные исследования, посвященные созданию методов и сенсоров контроля объектов окружающей среды, в том числе термokatалитических сенсоров горючих газов и паров.

Ученые Узбекистана, в том числе Т.К. Хамракулов, Н.С. Закиров, Р.Х. Джиянбаева, А.М. Геворгян, А.М. Насимов, З.А. Сманова и другие, внесли большой вклад своими исследованиями в решение проблемы разработки методов и сенсоров контроля объектов окружающей среды.

